

Автомобиль йўллари соҳасида жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда



"Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат қарори (49-сон, 02.02.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 июлдан автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини ўз ичига олган "Shaffof yo'l" платформаси тест режимида ишга туширилади.

Қарор билан мазкур платформада жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар (17 та) рўйхати тасдиқланди.

"Shaffof yo'l" платформасининг алоҳида сахифаси орқали аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланиш учун юзага келган фавқулодда техник муаммолар (светофорлар ва йўл белгилар ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий оғатлар натижасида юзага келадиган ҳодисалар ортидан ҳосил бўладиган оқибатлар) хақида фото- ва видеомурожаатлар – жамоатчилик фикри асосида шакллантирилади.

2022 йил 1 майгача автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш обьектларининг интерактив онлайн харитаси-схемаси ишлаб чиқилиб, платформага жойлаштирилади.

2023 йилдан бошлаб ва кейинчалик ҳар йили кейинги йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши назарда тутилган барча тоифадаги йўл участкаларини харитага жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилади.

Қарорга кўра, "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали туман (шаҳар)лар бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағлар жамоатчилик фикри асосида шаклланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтирилади.

Бу бўйича алоҳида низом тасдиқланди.

Унга кўра, жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашда таклифларни қабул қилиб олиш ҳар йили 10 январгача, билдирилган таклифлар орасидан ғолиб таклифларни овоз бериш йўли билан аниқлаб олиш жорий йилнинг 31 январига қадар амалга оширилади.

Таклифларни юбориш ҳамда овоз бериш жараёнида вояга етган фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

Фуқаролар ҳар йили ички йўлларни таъмирлашга доир фақат битта таклифни киритиши ҳамда битта таклифга овоз бериши мумкин. Фуқаролар ўzlари томонидан киритилган таклифга овоз бериши тақиқланади.

Фуқаролар томонидан танланган ички йўллар ахборот порталида автоматик равища тақлиф сифатида шаклланади ва бошқа фуқароларнинг овоз бериши учун имконият яратилади.

Ҳар бир туман ва шаҳарларда билдирилган таклифлар бўйича берилган энг кўп овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб сараланади.

Голиб таклифлар туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш қийматини ҳисобга олган ҳолда автоматик тарзда кетма-кетлик бўйича аниқланади.

Қарорга кўра шунингдек, 2022 йил 1 мартача ички хўжалик йўлларининг жойлашган манзили (геопозицияси), тўлиқ номи, узунлиги, ҳолати (асфальтланган, таъмирталаб) ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган Ички хўжалик йўллари реестри шакллантирилади.

2023 йил 1 январдан "Shaffof yo'l" платформаси тўлиқ ишга туширилади.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати